



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№7 (89) 13.02.2020 йил

Маданият жонкуярлари



Энг яхшилар тақдирланди

Бугун бунёдкорлик, ҳар соҳада ривожланиш ва ислохотлар даври. Юртимизда олиб борилаётган бундай янгиланишлар замирида халқ манфаатини ҳимоя қилиш, жамиятни юксалтириш, мамлакатни тараққий эттириш каби ҳам эзгу, ҳам буюк мақсадлар ётади. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан ўқитувчилар мақоми ва нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва имтиёзларини кенгайтиришга қаратилган эътибор ҳам айна шу эзгу мақсадлар ибтидоидир.

Жумладан, болалар музыка ва санъат мактаблари раҳбарлари, ўқитувчи ва концертмейстерларининг рабағлантирилаётгани, музыка санъатининг юксак намуналарни асосида ўқувчи ёшларни тарбиялаётган, улар қалбда чинакам санъат турларига муҳаббатни янада шакллантириб, янги ижодий ғоя ва ташаббуслар билан яшаш, изланишга ўргатаётган устозлар меҳнати муносиб эътироф этилаётгани қувонарлидир.

Маълумки, 2018 йилдан бошлаб 15 та йўналишни ўз ичига қамраб олган “Йилнинг энг яхши бола-

лар музыка ва санъат мактаблари ўқитувчиси ва концертмейстери” Республика танлови ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган 2018 йил 30 январдаги “Музыка ва санъат мактаблари фаолиятини танқидий ўрганиш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси” ва Маданият вазирининг 2019 йил 6 декабрдаги буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган ушбу танлов ҳар бир ижодкор ўқитувчини руҳлантириш баробарида ёшларни чинакам санъатга ошно этиш, уларнинг эстетик оламини шакллантириш, қолаверса, Ўзбек музыка санъати довуғини дунёга ёйдиган истеъодларни тарбиялаш борасида масъуллиқ уйғотмоқда.

Мазкур танловнинг биринчи саралаш (туман, шаҳар) bosқичида 1000 нафардан, иккинчи саралаш bosқичида (вилоят миқёсида) 200 нафардан ортиқ ўқитувчи ва концертмейстерлар қатнашган бўлса,

улардан 49 нафари якуний – республика bosқичида фаол иштирок этдилар.

Танловнинг барча bosқичларини ҳолисона ва адолатли ўтказиш мақсадида музыка ва санъат соҳасида сидқидилдан фаолият олиб бораётган ўз касбининг фидойиси, таҳрибали педагоглар санъат соҳасининг намоёндаларидан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати таркиби тузилиб, улар томонидан голиблар аниқланди.

Якуний bosқичда Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, 15 та йўналиш бўйича 34 нафар ўқитувчилар совринли ўриларни қўлга киритишди. Голиблари тақдирлаш маросими жорий йилнинг 7 февралда Маданият вазирлигида бўлиб ўтди.

Тадбирни Маданият вазири О.Назарбеков кириш сўзи билан очар экан, барча таширф буюрган голибларни табриклади ва уларга ёш авлодни тарбиялаш, истеъоддини юзага чиқаришда бор билим ва кучларини сафарбар этаётганлари учун миннатдорчилик билдирди.

Давоми 4-саҳифада

Ушбу сонда

“Оммавий маданият”

миллий маданиятга хавф солса...



3-саҳифада

Маънавият кўприги бузилишига йўл қўймайлик!



6-саҳифада

“Сабъаи сайёр” да чанг садоси

7-саҳифада

Сўнмас юлдузлар



Абадият сабоқлари

Халқимизнинг миллий маданияти, маънавияти ва асрий орзуларини ўзида мужассам этган асарларни яратиб, абадиятга муҳраган алломаларимиз: Мир Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурни ҳар сафар ёд этар эканмиз, тақдиримизга шундай буюк зотлар авлоди бўлиш бахти битилганига шукроналар келтирамиз. Шу кунларда икки буюк шоирларнинг таваллуд кунлари нафақат юртимизда, балки кўпгина мамлакатларда ҳам кенг нишонланмоқда. Ўзбекистонимизда эса бу қутлуғ саналар алоҳида кўтаринкилик билан тантананга қилинмоқда. Эеро, бу улуг сиймолар ўзбек адабиёти, ўзбек тилининг буюклигини дунёларга тараннум этган аждодларимиздир. Шундай тад-

бирлардан бири Ўзбекистон Маданият вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон давлат филармонияси ва консерваторияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Театрлаштирилган “Назм ва наво” кечасини Ўзбекистон Республикаси маънавият ва маърифат маркази раиси Минҳожиддин Хожиматов кириш сўзи билан очар экан, икки буюк аждодларимизнинг бебаҳо ижодий мероси, беқиёс аҳамияти, шунингдек, юксак инсоний фазилатлари, маънавият ва маданият ҳақидаги фикрларини билдирди. А.Навоий ва Мирзо Бобурнинг ҳаёти ва ижоди неча-неча авлодлар учун улкан ибрат, йўлларини ёритувчи машъал бўлиб хизмат қилаётгани, улар яратиб кетган илму урфон битмас-туган-

мас маънавият сарчашмаси эканини таъкидлади.

Кечада Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат музыкали драма театри актёрлари жонлантирган улуг алломаларимиз сиймолари сахнада кўриниши биланок одамлар чехрасига майин тибассум ёйилди, ҳаяжонларини яширолма бир энтикиб қўйишди...

Уларнинг газаллари билан айтиладиган мумтоз мақом ашулалар дилларга эзгу туйғуларини бахш этди. Ўзбекистон давлат филармонияси ҳамда консерваторияси санъаткорлари, Р.Лизэр номидаги Республика ихтисослаштирилган музыка академик лицейи ўқитувчи ва ўқувчиларидан ташкил топан “Мумтоз” мақом ҳамда филармония қошидаги “Лаэти” ансамбл-

ларининг чиқишлари барчага манзур бўлди. Айниқса, ёш истеъодларнинг миллий кўшиқчилик санъати дурдонаси бўлган мақом йўналишидаги ашулаларни ихлосу иштиёк билан куйлаши йиғилганларга завқу шавқ бағишлади. Хонандалар Ойбек Жалилов, Жаҳонгир Ортиков, Шарофиддин Муродов, Ўлмас Оллабергенов, Аббос Гаффаров, Шерзод Раҳматов, Дилафруз Ризаева, Дилфуза Қобилова ижросидаги ашулалар мақом санъати мухлисларини гўёки сеҳрлаб қўйгандек бўлди. Жумладан, Дилафруз Мирзаева ижро этган “Мубтало бўлдим санго”, Аслиддин Дўстов ижросидаги “Бобур Мирзо”, ёш истеъодли хонанда Дилшод Отамуродовнинг “Жондин ортиқ сен” ашулалари давомли олқишлар билан кутиб олинди. То-

мошабинлардан бири, меҳнат фахрийси Муҳаббат Аҳадова эса ҳаяжонини яширолма “Дилшодни танийман, Самарқанднинг Қўшрабодидан, Эргаш Жуманбўлбўл бахшининг юртидан” деди мамнуният билан.

Шунингдек, шаҳримизнинг марказий кўчаларидан бирида кўр тўкиб турган Алишер Навоий ҳайкали пойида яна бир дилтортар тароналарга бой тадбирнинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда Президент ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси тингловчилари ижросидаги Алишер Навоий, Мирзо Бобур газаллари, таниқли хонандаларнинг ашулалари баралла янгради, ўтган кетганлар бу ижроларга махлиб бўлиб, тўхтаб қолишарди...

Сайёра Рихсиева

<p>Донлар сузлайди...</p> <p>! Ватан таркини бир нафас айлама, Яна ранжи гурбат ҳавас айлама. (Алишер Навоий)</p>	<p>Ватан менинг жону таним, саждагоҳимдур. (Фитрат)</p>	<p>Аёл бўйи эркакнига тенг бўлиши учун унинг бўйи эркак елкасига баробар бўлиши керак. (Анри Дювернуа)</p>
---	---	--

Топилма
Ноёб омборхона

5 февраль куни Сурхондарё вилояти Термиз археология музейи ходимлари тумандаги Зўрмола ёдгорлиги яқинида жойлашган дала экин майдонидан Кушон подшолиги даврига оид озиқ-овқат сақланадиган омборхонани топишди. Дастлаб объект хақида музей раҳбариятига маҳаллий фермер илчиси хабар берди, кейин бу янгилик вилоят маданий мерос бошқармасига етказилди.

6x6 метр худудда олиб борилган қазилма ишлари жараёнида 22 дон дон маҳсулотлари сақланадиган хумлар топилди. Қазилма объекти худудидagi омборхона ўлчами янада катталиги тахмин қилинмоқда. Термиз археология музейи раҳбарияти мазкур худудда археологик қазилма ишларини кенг қамровда олиб бориш режасини тузмокда.



» Аждодларимиз

“Шоҳликда – шоир, шоирликда – шоҳ”

Жаҳон адабиёти, маданияти ва санъати хазинасида ўзбек халқининг ҳам муносиб ўрни бор. Узоқ тарихий жараёнда элимиз дунёга кўп қабил илм-фан, санъат ва адабиёт намояндаларини етказиб берган.

Башариёт оламида ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳаларда ўз ўрнига эга сиймолардан бири Захириддин Муҳаммад Бобурдир. Унинг фаолияти, яратган асарлари хақида кўп ва ҳўп гапириш мўмкин. Шоҳ Бобурнинг ҳаёти, чеккан заҳматлари, дўст деб билганларидан “топанлари” илм сандиғига сигмайдиган даражада ибратга эга асарлар дунёга келишига туртки бўлган. Навоий таърифи билан айтганда, у “Шоҳликда – шоир, шоирликда – шоҳ” дир. Бобур Мирзо улўғ шоир ва адиб, қомусий илм соҳиб, айни замонда моҳир лашкарбони ва йирик давлат арбоби ҳам ҳисобланади. Унинг шеърий девони, “Бобурнома”, “Аруз рисоласи”, “Хатти Бобурий”, “Мубаййин” каби илмий ва бадиий баркамол асарлари бизгача етиб келган. Бу асарларнинг ҳар бири ўзбек назми ва нарсии ривожига муҳим ўрин тутати. Айниқса, “Бобурнома” XV аср охири – XVI аср бошларидаги Урта Осиё, Афғонистон ва Хиндистон тарихи, этнографияси, табиати, ўсимлик ва ҳайвонот олами, халқи, тили, ҳаёт тарзи ҳамда бошқа соҳалари хақида бебаҳо маълумотларни ўзида мужассам этган йирик манбадир. Унинг авлодларга қолдирган бой ва бебаҳо илмий-адабий меросида буюк аждодимизга жаҳоний шўҳрат келтирган асари, шўбҳасиз, унинг “Бобурномаси” дир.

“Бобурнома”нинг муаллифи томонидан даст-

лаб қандай номлангани номаълум. Лекин Бобурнинг ўз сўзлари ва қизи Гулбаданбегимнинг “Хўмоннома” асаридagi маълумотларига қараганда, у аввал “Вақое” деб аталганини тахмин қилиш мўмкин. Бобур қаламига мансуб бу шоҳ асарни ўрганган кўпгина тарихчилар қизиқ бир ҳолатга дуч келишган. Китоб дўненинг турли тилларида 20 дан зиёд ном остида босилиб чиққан. Яна бир диққатни тортадиган жиҳати “Бобурнома”нинг илк нодир кўлэмалари мавжуд бўлишига қарамай, яқин йилларгача асарнинг илмий-таҳлилий матнини яратиш жуда зарур ва ҳаётий масала эканига алоҳида ургў берилган. Шўни мақсад қилган ва бундай маълумотларни вазиё вазифа япониялик бобуршунос, профессор Эйжи Манонинг зиммасига тушган. 30 йиллик изланишлар давомида Эйжи Мано бу ишни уйдлади ва бўни 1995 йилда кенг жамоатчиликка эълон қилди.

“Бобурнома” неча минг йиллардан бери бутун дунё олимлари эътиборини жалб қилиб келди ва улар томонидан нафақат асарга, балки Бобур шахсига ҳам юксак баҳо берилди. Жумладан, Лейн Пуул, Едуард Холден, Елфинстан, Херман Вамбери, Н.И.Веселовский, В.В.Бартолд ва бошқа тарихчилар ҳам асарнинг умумий мазмўни хақида фикр юритиш билан бирга, муал-

лифнинг ҳаёти ва шахсияти хақида ўз қараш ва мулоҳазаларини баён этганлар. Бу борда машҳур венгер шарқшунос олими Херман Вамберининг мулоҳазалари диққатга сазовор: “Бобурнома”ни Шарқ Цезарининг коментари ялари деб айта оламиз.” Шўнингдек, инглиз тарихчиси Едуард Холден Бобурни лашкарбони, арбоб ва адабиётчи сифатида Цезар билан бир қаторга қўйса, жоизбадор фельд-атвори билан Рим ҳўкмдоридан ҳам юқори турувчи деб биледи ва “Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган” дейди.

Шўндай қилиб, XIX асрдаёқ Гарб ва рус олимлари “Бобурнома”ни турли илм-фан соҳалари узун қимматли маълумотлар берувчи энг ишончли манба, том маънода қомусий асар деб баҳолаганлар ва қайта-қайта таржима қилиб, нашр этишган.

Бобур ижоди хақида сўз борар экан, унинг шеъриятига тўхталмай юлжи йўқ. Биткилариди она дўёр рамзи воситасида юртга бўлган соғинч, айрилиқдан ўқинч хислари ифода этилади. Биргина қўйидаги жулмлар билан бошланувчи газаали фикримизнинг ёрқин далили:

Гурбатда ул ой ҳажри мени пир қилибдур,
Хўжрон била гурбат менга таъсир қилибдур.
Шўнингдек, шоҳ Бобур шеъриятда шўҳларга хос ва керак бўлган адолат тўйнусини бош мавзулардан бири сифатида талқин этиб, бу бора-

да анча илғор ижтимоий фикр ва ғояларни илгари сурган. Уларни, асосан, рубоийларда учратиш мўмкин. Барчамизга ёд бўлиб кетган “Хар кимки, вафо қилса, вафо топқусидир” деб бошланувчи рубоийсида шўндай ғоялар илгари сурилган. Айтиш жоизки, шоир инсонга хос юксак ва тубан тўйгулар тўғрисида фикр юритиб, олийжаноблик – тақдирлашга, пасткашлик эса жазолашга лойиқ эканини таъкидлайди.

Умуман, Бобур шеърияти ўзининг жанр хўсусиятлари, мавзу доираси, ҳаётий фалсафаси ва бадиий жилюси билан ўзбек адабиётининг нодир намўналари қаторидан фахрли ўрин эгаллайди. Уларда ҳаёт ва инсонни қадрлаш, тўзаликдан баҳраманд бўлишга илтилош ҳақида нафақат ошиқ ва ориф инсоннинг, балки муаллифнинг шахсий қарашлари ҳам ўз аксини топан. Зотан, Бобур ижодини ул зот яшаётган мураккаб даврнинг ўзига хос бадиий кўзгуси дейиш мўмкин.

Хўлоса қилиб айтганда, жаҳон маданиятига ўзининг бой мероси билан улкан ҳисса қўшган Захириддин Муҳаммад Бобур асарлари халқимизнинг маънавий юксалишига, уни дунёга танитишга хизмат қилиб келмоқда.

Марҳабо ҒОЗИЕВА,
Она тили ва адабиёт ўқитувчиси,
Соҳибхон ХОЛИЕВА,
ЎЗМУ талабаси

» Давоми. Боши 1-саҳифада

Энг яхшилар тақдирланди

Юртбошимиз томонидан маданият ва санъат соҳасига қаратилаётган юксак эътиборга муносиб бўлиш, яратиб берилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, таълимни тараққий эттириш зарурлиги, инқироз ёқасига келиб қолган мақом, бахшичилик санъатини асраб қолиш ва келгуси авлодга ет-

казиш шарафли бурч экани, бу борада ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши, ўқув қўлланма ва дарсликларни тайёрлаш энг долзарб масала экани хақида сўзлади. Илмий изланишларга, тадқиқотларга кўпроқ эътибор қаратиш, чинакам илм фидойиларини қўллаб-қувватлаш, санъат соҳаси

академикларини етиштириш, бугунги кун илм-фан ютуқлари, замонавий технологияларни таълим тизимининг барча йўналишларида жорий этиш кераклигини таъкидлади.

Бу борада кимда, қандай тақлиф ва маслаҳатлар бўлса, бемаъл билдиришлари, барча тақлиф-

лар инобатга олинишини айтиб, маросимнинг асосий қисми, танлов ғолибларини тақдирлашга навбат берилди. Ғолибларга Маданият вазири О.Назарбеков томонидан III, II, I даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Муаттархон Тўйчиева



“Йилнинг энг яхши болалар мўсиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси ҳамда концертмейстери” республика танловининг 2019 йил ғолиблари

РЎЙХАТИ

№	Ф.И.О	Таълим муассасаси	Йўналиши	Эгаллаган ўрин
1	Шодиева Наргиза Ҳақимжоновна	Фарғона шаҳар 2- БМСМ ўқитувчиси	Фортепиано	III ўрин
2	Рўзметов Давронбек Атоевич	Хоразм вилояти Хазорасп тумани 13- БМСМ ўқитувчиси	Халқ чолғулари	III ўрин
3	Бойматов Сардор Олим ўғли	Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани 15- БМСМ ўқитувчиси	Халқ чолғулари	III ўрин
4	Ҳамроев Давлат Самандарович	Навоий вилояти Навбахор тумани 11- БМСМ ўқитувчиси	Анъанавий хованда	III ўрин
5	Тўлганова Хосият Ашуровна	Термиз шаҳар 1- БМСМ ўқитувчиси	Тасвирий санъат	III ўрин
6	Ўразова Муборакхон Латиповна	Андижон вилояти Жалақудук тумани 13- БМСМ ўқитувчиси	Амалий санъат	III ўрин
7	Кирилова Албина Анатольевна	Тошкент шаҳар 12- БМСМ ўқитувчиси	Хореография	III ўрин
8	Пўлатова Зилюла Тангирувна	Сурхондарё вилояти Денов тумани 16- БМСМ ўқитувчиси	Театр санъати	III ўрин
9	Жумаева Хуршида Нормуратовна	Навоий шаҳар 8- БМСМ ўқитувчиси	Мўсиқа назарияси	III ўрин
10	Жалолова Нигорахон Хусановна	Фарғона шаҳар 4- БМСМ ўқитувчиси	Хор	III ўрин
11	Бурбеева Ольга Степановна	Бўхоро вилояти Когон шаҳар 2- БМСМ ўқитувчиси	Фортепиано	II ўрин
12	Нурбобоев Бекзод Салтоевич	Қашқадарё вилояти 2- БМСМ ўқитувчиси	Халқ чолғулари	II ўрин
13	Тошматова Тўлғаной Кобилевна	Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани 2- БМСМ ўқитувчиси	Халқ чолғулари	II ўрин
14	Раманова Фарида Ареповна	Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқул тумани 19- БМСМ ўқитувчиси	Халқ чолғулари	II ўрин
15	Қаҳаров Бахтиёр Абдумажидович	Навоий вилояти Учқудук тумани 10- БМСМ ўқитувчиси	Анъанавий чолғу	II ўрин
16	Абдиреимов Абат Вердибаевич	Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқул тумани 19- БМСМ ўқитувчиси	Бахшичилик	II ўрин
17	Трашков Дмитрий Владимирович	Тошкент шаҳар 6- БМСМ ўқитувчиси	Эстрада чолғу	II ўрин

№	Ф.И.О	Таълим муассасаси	Йўналиши	Эгаллаган ўрин
18	Кобилова Мухайё Раббимовна	Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани 34- БМСМ ўқитувчиси	Тасвирий санъат	II ўрин
19	Йўлдошев Шўҳрат Уктамович	Фарғона шаҳар 3- БМСМ ўқитувчиси	Амалий санъат	II ўрин
20	Пирмагамбетова Мария Турганбаевна	Хоразм вилояти Шовот тумани 8- БМСМ ўқитувчиси	Хореография	II ўрин
21	Хўжақулов Фаррух Жуманазарович	Тошкент шаҳар 7- БМСМ ўқитувчиси	Театр санъати	II ўрин
22	Аҳмедова Гулбахор Азимжоновна	Фарғона вилояти Бешариқ тумани 18- БМСМ ўқитувчиси	Мўсиқа назарияси	II ўрин
23	Ҳоджибекова Лилия Камилевна	Бўхоро шаҳар 5- БМСМ ўқитувчиси	Хор	II ўрин
24	Кан Людмила Николаевна	Тошкент шаҳар 10- БМСМ ўқитувчиси	Фортепиано	I ўрин
25	Жоиев Шерхон Фарходович	Термиз шаҳар 2- БМСМ ўқитувчиси	Халқ чолғулари	I ўрин
26	Эргашев Раҳмонали Мадаминович	Фарғона шаҳар 4- БМСМ ўқитувчиси	Халқ чолғулари	I ўрин
27	Маҳмудов Жавлон	Қашқадарё вилояти 20- БМСМ ўқитувчиси	Дамла ва зарби	I ўрин
28	Жумаев Амангелди Каримбайули	Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқул тумани 19- БМСМ ўқитувчиси	Анъанавий хованда	I ўрин
29	Элпбев Муҳаммад Темирлайевич	Термиз шаҳар 22- болалар мўсиқа, санъат ва бахшичилик мактаби ўқитувчиси	Бахшичилик	I ўрин
30	Ғофуров Шавкат Розикович	Тошкент шаҳар 22- БМСМ ўқитувчиси	Тасвирий санъат	I ўрин
31	Янқова Олга Вячеславовна	Тошкент шаҳар 10- БМСМ ўқитувчиси	Амалий санъат	I ўрин
32	Риспаева Аида Аскарвна	Тошкент шаҳар 15- БМСМ ўқитувчиси	Хореография	I ўрин
33	Беганова Клара Дамировна	Андижон шаҳар 3- БМСМ ўқитувчиси	Мўсиқа назарияси	I ўрин
34	Майляс Ирина Владимировна	Тошкент шаҳар 2- БМСМ ўқитувчиси	Хор	I ўрин

» Баркамол авлод

Аждодлар изидан



6 февраль куни Андижон вилоят давлат солиқ бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бешта ташаббуси ижросини таъминлаш юзасидан ёшларнинг мусика, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш мақсадида шеърят мулкнинг султони Мир Алишер Навоий таваллудининг 579



йиллиги ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллиги муносабати билан тадбир ўтказилди. Кечада Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлиминининг хонанда ва созандалари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди. Унда Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалларига басталанган куй-қўшиқлар ижро этилди.

» Нишонда – инсон қалби ва онги

XXI аср инсоният олдига қатор умумбашарий муаммоларни кўндаланг қилиб қўяпти. Одамзод тараққиёт ютуқларига эришган ҳолда янги, замонавий, демократик, инсонпарварлик, фуқаровий жамият тамойиллари асосида барча миллатлар, элалар, минтақалар учун адолатли бўлган ва глобализация таъсирида шаклланиши тезлашаётган турмуш тарзини юзага келтириш жараёнига кириб бормоқда.



“Оммавий маданият” миллий маданиятга хавф солса

Биринчи президентимиз И.Каримов мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги қатор анжуманларда сўзлаган нутқларида ҳамда Ўзбекистон “XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида “Ҳозирги замонадаги энг катта хавф инсонларнинг қалби ва онгини егаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафқуравий курашдир”, – дегандилар. Бугунги кунда ҳам бундай хавф ва таҳдидлар учраб турибди, ҳатто бошқа кўринишда, янада янги шаклларда намоён бўлмоқда. Инсоният тарихида маълум бўлган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий таҳдидлар қаторига эндиликда мафқуравий, маънавий таҳдидлар ҳам қўшилган таъкидланмоқда. Ёт ғоялар ва демократияни экспорт қилиш, беҳаёликни маданият деб бошқа юртларда тарғиб этиш, санъат дея зўравонликни, фахши кўрсатиш каби мафқуравий ҳужум шакллари кундан-кунга урчиётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу каби ҳужумларга эса, аввало, ёшлар нишон бўлиб, келажагимизга таҳдидлар ортмоқда.

Тарихдан маълумки, бузғунчи маданият тарғибчилари бутун бир давлат ва миллатлар маданий меросларининг таназзулга юз тутишига сабаб бўлишган.

Л.Г.Лонин маданиятни – инсониятнинг хайвонот оламидан ажратиб турувчи асосий унсур, деб изоҳлайди. Мутафаккир алломуларимиздан бири Абу Али ибн Сино эса маданиятга – “инсоннинг руҳий кувват оладиган маънавий манбаи”, – деган таърифни беради.

Шундай экан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган турли зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор.

Замонавий, тезкор тараққиёт билан ҳамқадам бўлиш бугун ёшларимизнинг ҳаёт тарзига айланиб бормоқда. Албатта, бу қувонарли хол. Чунки бир неча тилда бемалол сўзлаша олиш, интернет оламига кириб, ду-

не янгиликларидан хабардор бўлиш имконияти мавжуд. Бу уларнинг кўпроқ маълумот олиб, дунёқарашини кенгайтираётганидан дарак беради. Бироқ глобализация жараёнида турли ғоялар кураши, ахборот хуружлари, мафқуравий таъйиқлар тобора авж олаётгани сир эмас. Бугун арзimas туюлган кичик хабар ҳам одамларнинг, айниқса, ёшлар ҳаётини ўзлаштиришга қодир куч бўлиши мумкин.

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида кечаётган глобализация жараёни XX аср охири ва XXI аср бошларида бутун инсоният, ер юзидаги барча халқлар ва миллатлар тараққиёти, ҳаётга кириб келаётган ёш авлод учун мисли кўрилмаган имкониятлар эшиги эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Аввало, фан ва техниканинг илғор ютуқлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бериши ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига сўзсиз катта ҳисса қўшаётганига бугун барчамиз гувоҳ бўляпмиз.

Ёш авлод қалби ва онгини ёт ғоялардан асраш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимиз дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнлар маъно-мазмунини ва асл сабабларини чуқур англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, мустақил фикрга эга, содда қилиб айтганда, оқини қорадан ажратишга қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарты ва мезонига айланмоғи даркор.

Ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги кунда мустақил онг ва фикрга эга шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, балки муҳим сиёсий аҳамият ҳам касб этади. Афсуски, ер юзидаги ахборот алмашинуви мислсиз тезлашган ҳозирги глобализм шароитида Фарбдаги “марказлар” бундан фойдаланиб, бошқа давлат ва халқлар ўртасида Фарб ҳаёти “жозибалари”ни, жумладан, “оммавий маданият таъсири”ни “эр-

кинлик шабадалари” тарзида имкон қадар кенг ёйишга ҳаракат қилишмоқда.

Бунга қарши тура олишдек ўта муҳим вазифани удалашда таълим-тарбия тизими, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, мафқуравий масалалар билан шуғулланадиган идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партияларнинг катта ҳиссаси бор албатта. Лекин бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсир кучи бекиёсдир.

Тўғри, “Ахборот асри” деб ном олган XXI асрда ҳеч қайси давлат ёки жамият ўзини темир девор билан ўраб яшай олмайди. Айни пайтда аҳвол шундай экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмайди. Бундай таҳдидларга ҳар биримиз тайёр туришимиз, зарур чора-тадбирларни кўришимиз керак.

Ўтган аср охирида пайдо бўлган “глобализация” атамаси жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ва молиявий ҳаёти янгича умумлашиб бораётганини ифода этади. Бутун эса у кенг қамровли тушунчага айланди. Яъни давлатлар ва халқлар ҳаётининг барча соҳаларида янги умумлашув жараёнини англашмоқда. Гарчи глобализация жараёни бирданига юзага келиб қолмаган, балки инсон яратилган пайтдан бошлаб содда ва табиий шаклда давлат этиб келган бўлса-да, ҳозирги вақтда одамзоднинг ўз манфаати йўлида табиий ривожланиш жараёнига зўравонларча аралашуви натижасида шиддатли тус олиб кетди.

Афсуски, ёт таъсирлар миллий маънавият ва дунёқараш ўрнини егаллашга уринади. Бундан ташқари, энг замонавий телекоммуникация, компьютер, интернет каби воситалар орқали миллийликка эид, уни барқот қилишга қаратилган, замирида фақат фойда олишдан бошқа ҳеч қандай ибратли мақсад ётмаган оммавий маънавий намуналар – ахлоқсиз фильмлар, телесериаллар, ахмоқона шоу-томшалар кириб келаётганини кузатиш мумкин.


Хулоса ўрнида шунга таъкидлаш жоизки, юксак интеллектуал салоҳият миллий маънавий иммунитет шаклланиши ва мустаҳкамланишининг асосий омил ҳисобланади. Унинг юксалишига эришиш орқали ёшлар маънавий эҳтиёжини миллий-маънавий бойликларимиз билан қондиришимиз, уларни турли ғоявий хуружлардан ҳимоялашимиз мумкин.

Бобур Тошқобилов,
Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ходими

» Бетакрор мерос

Бобурийлар меъморчилиги

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг авлодлари томонидан Ҳиндистонда бунёд этилган меъморий обидалар ичида Аградаги Тож Маҳал мақбараси алоҳида ўрин тутаети. Унинг қурилиш тарихига оид бир неча ривоят ва афсоналар ичра қуйидагиси ҳақиқатга яқинроқ: Бобурийлар тахтига ўтирган Шоҳжаҳон Мирзо суюкли завжаси малика Мумтоз Маҳал вафотидан сўнг унга атаб гўзалликда тенги йўқ мақбара қурдиришни ихтиёр этади ва бу режасини, энг аввало, катта қизи Жаҳон Оро бегимга айтади.



Онаси Мумтоз Маҳал вафот этган пайтда Жаҳон Оро бегим ўн етти ёшга тўлганди. Волидаси васиятига қўра, шоҳ оиласини бошқариш унинг зиммасига юкланади. Жаҳон Оро бегим исми жисмига монанд, ҳусн-лафоғат, ақл-идрок ва илму одобда беназир эди.

У отасига салтанатни бошқариш, ички ва ташқи сиёсат масалаларида ёрдам бериш билан бирга меъморчилик, ободончилик ишларида ҳам фаол қатнашган.

Волидаси қабри устида қад ростлайдиган мақбарани бунёд этишга раҳбарлик қилишни подшоҳ қизи Жаҳон Оро бегим зиммасига юклайди. Меъморлар тақдим этган лойиҳаларнинг бирортаси ҳам талабчан, ёш маликага маъқул келмайди. Шунда унинг имоси билан сарой мулозимлари хонага янги бир лойиҳа суратини олиб кириб, қоғоз ўрамини очишади. Суратни кўрганларнинг барчаси бир зум жим қолиб, сўнгра баробарига “ох” тортиб, ҳиссиётларини изҳор этишади. Қоғоз юзасида беш куббали, бетакрор бир мақбара тасвирланганди. Унинг тўрт томонидаги тўртта минора иморатни кўкка кўтарилиб кетишдан сақлаб, худди ерда зўра тургандек эди. Агар шу тўрт минора бўлмаса, бу мақбара осмону фалақда оққушдек парвоз этадигандек туюларди.

Шоҳжаҳон лойиҳани маъқуллайди ва мақбара Мумтоз Маҳал қабри устидан абадий жой олади. Мақбараси “Тож Маҳал” деб ном берилди.

Жамна дарёсининг чап қирғоғида барпо этилган жаҳонга машҳур ушбу иншоотнинг баландлиги 74 метр бўлиб, тўртбурчак шакл устида қад ростлаган. Платформада тўртта минора тикланган. Тож Маҳалнинг чап томонида масжид, олдиди улкан фавворали ҳовуз ва ён томонларида бог бунёд этилган. 1652 йилда Шоҳжаҳон қарори билан қурила бошлаган ва 1653 йили битказилган мақбара қурилишида Самарқанддаги Амир Темур, Дехлидаги Ҳумоюн мақбараларидан андоза олинган. Бош лойиҳачилар – Устод Аҳмад Лоҳирий ва самарқандлик Устод Муҳаммад Шариф. Иншоот асосан, оқ мрамрдан бунёд этилиб, деворларига “Қуръон” дан оятлар битилган, олтин ва қумуш, шунингдек, ёқут, сердолик, ақик, феруза каби қимматбаҳо тошлар билан безак берилган. Шундан олмос, Панжобдан яшна, Шри-Ланкадан зангори сапфир, Тибетдан агат, Арабистондан маржон, Эрондан ақик (оникс), Бағдоддан сердолик олиб келиниб, мақбара зийнатланган. Куннинг ҳар хил вақтида мақбара ранги ўзгаради, кундузи оппоқ, тонг ёришганда қизғиш ва ойдин тунда қумуш рангда товланади.

Тож Маҳалнинг меъморий бетакрорлигидан ҳайратланган сайёҳлар бугунги кунда ҳам бу нодир обидани бунёд этган аждодларимиз маҳоратига тан беришмоқда. Тож Маҳал 1983 йили меъморий ёдгорлик сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мерос объекти – Ҳиндистондаги мусулмон санъати дурдонаси, дунё бўйлаб эътироф этилган бетакрор мерос намуналаридан бири дея тан олинган.

Ҳадия Валиева, Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи катта илмий ходими




Болажонлар учун спектакль
“Шерюррак ёхуд Бобур ҳақида қисса”

10 февраль куни Андижон вилояти кўғирчоқ театрида шох ва шомр, буюк мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллиги муносабати билан ижодий учрашув ҳамда спектакль намойиши бўлиб ўтди. Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш ҳудудий марказининг бир гуруҳ мусиқий таълим йўналиши ўқитувчилари кўғирчоқ театрига ташриф буюришди. Саҳна устаси Рашид Чўққиев уларга театр имкониятлари, кўғирчоқ турлари ҳақида батафсил сўзлаб, спектакллардан намуналар кўрсатди. Театрда

ташқил этилган музей билан таништирди. Бугунги кунда таълим соҳасига маданий тушунчаларни олиб кириш, ўқувчиларни театр билан таништириш ҳамда саҳна сирларини ўргатиб боришни мақсад қилган бир гуруҳ ўқитувчилар мутахассислар томонидан берилган маълумотларни қизиқиш билан тинглашди. Шунингдек, келгусида ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, турли тарбиявий аҳамиятга эга спектаклларни ўқувчилар ёрдамида саҳналаштиришни мақсад қилишди.
 Кейин Асака шаҳридаги 38-мактабгача таълим муассасасида тарбияланаётган болажонларга “Шерюррак

ёхуд Бобур ҳақида қисса” тарихий спектакли намойиш этилди. Буюк аждодларимизни кўғирчоқлар тимсолида кўрсатиш, болажонларни маънавий меросимиз билан таништириш, жажжи қалбларда Андижон фарзанди Бобур Мирзонинг болалиги акс эттирилган саҳна кўриниши орқали миллий меросимизга янада меҳр уйғотишни мақсад қилган театрнинг ижодий ходимлари бу вазифани сидқидилдан адо этгисмоқда. Спектакллар намойиши 16 февралга қадар давом этади.
Мансурбек Рўзиев,
 театр адабий бўлим мудири



Мурожаатга муносабат



Рақамли иқтисодиёт – қулай иқтисодиёт

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз Мурожаатномасида 2020 йилни “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номлагани бежиз эмас.

Зеро, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойилни олдимизга мақсад қилиб олган эканмиз, одамларга қулайлик яратиш, оғирини енгил, узогини яқин қилиш, давлат хизматларидан фойдаланишда “турнақатор” навбатларни йўқотиш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Бу муаммоларни йўқотишда Мурожаатномада айтилган рақамли иқтисодиёт асосий воситадир. Хўш, рақамли иқтисодиёт ўзи нима?

Бу иқтисодий фаолият бўлиб, одамлар, бизнеслар, қурилмалар ва маълумотлар орасидаги миллионлаб боғланишларнинг онлайн кўриниши. Қисқа қилиб айтганда, ортиқча ресурс талаб қилмайдиган бизнеслар иқтисоди. Лекин бу осонгина бўладиган иш эмас. Рақамли иқтисодий муҳитни шакллантириш учун рақамли технологиялар, сунъий интеллект рақамли аналитика, cloud технологиялар, катта ҳажмли маълумотлар керак бўлади. Рақамли ҳукумат эса фуқароларимизга ҳар томонлама қулайликлар яратиши шубҳасиз. Яъни рақамли тиббиёт, онлайн банк хизматлари, smart сити, таълим соҳасидаги онлайн курслар, онлайн дўконлар. Рақамли иқтисодиётга ўтган давлатда қозғовозлик билан боғлиқ муаммолар бўлмайди. Кўп соҳалардан уйдан чиқмай фойдаланиш имконияти яратилади. Президентимиз ташаббуси билан қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларининг босқичма-босқич рақамлаштирилиши режалаштирилган. Тошкент шаҳрида қурилган «IT-парк» республикамизнинг Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон, ва Урганч каби шаҳарларида ҳам барпо этилади. Яқин кунларда тасдиқланиши кутилаётган «Raqqamli O'zbekiston – 2030» дастурида ҳам айнан шу масалалар ечимни киритилаётган бўлса ажаб эмас.

Рақамли иқтисодиёт, рақамли ҳукумат ҳақида етарлича гапирдик. Олдимизда турган энг катта тўсиқ эса, бу тизимга бизни ким олиб кириши?! Қадрлар масаласи яна ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қоляпти. Мурожаатномада соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида хорижий ҳамкорлар билан бирга “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

Бугунги кунда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 7014 та дастурчи рўйхатга олинган. “One Million Uzbek coders” лойиҳасининг афзаллиги шундаки, кенг

аҳоли қатламларини АКТ соҳасидаги янги касбларни ўзлаштиришга жалб этиш, ёшларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлганларини ишга жойлаштириш имконини беради. . .

“One Million Uzbek coders” бу – 2017 йил БАА да ишга туширилган “One Million Arab Coders” лойиҳасининг аналогичисидир. Мазкур лойиҳалар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Dubai Future Foundation жамғармаси, Тошкентдаги Инҳа университети IT академиялар, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги IT-мактаб билан ҳамкорликда амалга оширилади. Лойиҳанинг асосий мақсади UzbekCoders.uz махсус портали орқали рақамли технологиялар бўйича мутахассисларнинг янги авлодини тайёрлаш учун кенг аҳоли қатламини дастурлашга масофадан ўқитишдир.

Лойиҳанинг биринчи босқичида ўзбекистонда глобал меҳнат бозорига тўртта энг талабгир мутахассислик – Data Analysis, Android Programming, Full-Stack Development ва Frontend Development қамраб олинади. Ҳар бир даража якуналарида лаборатория ишлари амалга оширилиб, тегишли сертификат берилди.

Курсларнинг энг яхши битирувчилари грантларни қўлга кириб, Udacity хусусий таълим ташкилотининг 100 дан зиёд Nanodegree дастурларидан бири бўйича ўқишни давом эттириши мумкин. Бунинг учун имтиҳонни муваффақиятли топириб, энг юқори балл тўплаган 150 талабадан бирига айлиниш лозим.

Аҳолининг аксар қисми қишлоқларда истиқомат қилишини инобатга олсак, бир миллион дастурчи яратиш хомхаёлдек кўриниши мумкин. Лекин бу муаммо ҳам босқичма-босқич ҳал қилинади. Ўтган йилларда барча шаҳар ва туман марказларини юқори тезликдаги интернетга улаш ишлари якунланганини ҳисобга олсак, яқин икки йилда барча қишлоқ ва маҳаллаларни ана шундай тезкор интернет билан таъминлаш унчалик қийин иш эмас.

Хозирги кунда 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги интернетга уланган бўлса, кейинги икки йилда 12 мингта муассасага тезкор интернет кириб боради.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, мамлакатимиздаги ислохотлар ижросида ҳар биримиз дахлдорлик ҳиссини туйишимиз зарур. Чунки бугун тўхтаб турган инсон жамиятдан орқада қолиб кетади.

Карим ЗАРИПОВ

Халқаро форум

“Ижодий учқун” лойиҳаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йилни “Илм-фан ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилди. Албатта мазкур йўналишда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда олий ўқув юртлари олдида катта вазифалар қўйилади. Хусусан, талабаларни тадбиркорлик фаолиятига ўқитиш, айниқса, уларда ижодий тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.



Олий таълимда ижодий тадбиркорлик кўникмаларини талабалар ва профессор-ўқитувчилар орасида кенг шакллантириш мақсадида ҳозирда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда Лондоннинг Голдсмит университети билан ҳамкорликда “Creative Spark” (ижодий учқун) лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида 2018 йилдан буён Тошкент ва Лондон шаҳарларида бир қанча конференция, форум ва амалий тренинглар ташкил этилди.

Жумладан, 3 ва 4 февраль кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ўзбекистон Олий таълим тизимида ижодий тадбиркорликка ўқитиш интеграцияси” халқаро форуми мазкур лойиҳанинг мантиқий давоми саналади. Уни ташкил қилишдан мақсад Марказий Осиё давлатларида креатив тадбиркорлик соҳасида бўлаётган ўзгаришларни, қонунийликдаги янгиликларни ва мавжуд муаммоларни муҳокама қилишдир. Форумда Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов, “Эл-юрт умиди жамғармаси” ижрочи директори – Адҳам Бекмуродов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори Конгратбай Шарипов, “Нимо group” компанияси директори Ҳикмат Абдурахмонов фикрлари тингланди. Улар бугунги глобаллашув жараёнида юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-

моҳияти, амалга оширишда юзага келаётган тўсиқлар, давлат олдида турган ишсизлик муаммосини ечишда креатив ғоялар ижросини қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш ҳақида гапирди. Хусусан, Халқ таълими вазири Ш.Шерматов: “Биз ижодкор иқтидорларни хорижга чиқиб кетишларига йўл қўймаймиз керак. Уларнинг истеъдодини шу ерда рўёбга чиқариши учун шароит яратиб беришимиз зарур”, деб таъкидлади.

Ушбу форумда иштирок этган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” кафедраси доценти М.Йўлдошева, катта ўқитувчиси Б.Салайдинов, ўқитувчи О.Дўстмухаммедов, институтнинг Фарғона минтақавий филиали директори ўринбосари Рашид Турғунбоев, Нукус филиали ўқитувчиси Гулшира Сапарбаева хорижий мутахассислар билан мулоқотга киришиб, улар тажрибасини ўрганишди.

Халқаро форум давомида олинган маълумотлар, билимларни таълим жараёнида ўқувчиларга ўқитиш креатив тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ривожлантириш ҳамда уларни амалиётга ҳорий этиш билан боғлиқ муҳим вазифалар ижроси катта аҳамиятга эга.

Бахтиёр Салайдинов,
 Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти катта ўқитувчиси

» Санъатим – саодатим

“Андижонлик оймилар”



Тошкент шаҳридаги “Туркистон” санъат саройида Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлинмаси хонандаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Турсунбой Парпиевнинг “Санъатим – саодатим” деб номланган жонли ижродаги концерт

дастури бўлиб ўтди.

Хонанда узоқ йиллардан бўён вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказилган маданий-маърифий тадбирларда ўз санъати билан хизмат қилиб келмоқда.

Унинг она-ватан, севгимухаббат, миллий меросимизга доир мумтоз

ва замонавий ижролари, айниқса, “Қизим” қўшиғига раққослар томонидан театрлаштирилган композиция томошабинларда ўзгача таассурот қолдирди. Концерт дастури Турсунбой Содиков ва шеърига бастанланган “Андижонлик оймилар” қўшиғи билан якунланди.

» Адабий мерос

Жаҳон адабиёти, маданияти ва санъати хазинасини бунёд этиш ҳамда бойитишда қадимий ва бой тарихга эга ўзбек халқининг ҳам муносиб ўрни ва ҳиссаси бор. Узоқ тарихий давр давомида элимиз дунёга кўплаб илм-фан, санъат ва адабиёт намоёндаларини етказиб берган. Буюк аждодларимиз яратган илмий, бадиий, қомусий асарлар неча минг йиллардан бўён турли халқлар томонидан ўрганиб, эъзозланиб келмоқда.

Бобур ва Шарқ тамаддуни

Шоҳ Заҳриддин Муҳаммад Бобур – мумтоз шоир, назарий адиб, тарихчи, физикшунос, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот олами билимдони каби серқирра фаолият соҳиби эди.

Биргина “Бобурнома” унинг йигирмадан ортиқ соҳаларга қизиққанига яққол мисолдир. Бобур биринчи гадада шоҳ – бобурийлар сулоласининг асосчиси. Бу жаҳон тарихида энг узоқ йиллар (332 йил) ҳукмронлик қилган сулоладир.

Буюк шоҳ, шоир Ҳиндистонда темирйилларга хос улғун бунёдкорлик анъаналарини давом эттирди. Муҳташам давлат тиклаб, қасрлар қурдирди, ариқ ва каналлар қаздирди, боғроғлар бунёд этди. Унда адабиёт ва фан ривожига ҳомийлик қилиш, элни адолат билан бошқариш сингари фазилатлар мужассам эди.

У “Бобурнома” асари билан машҳур тарихнафис олимлар қаторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубойилари туркий шеърятнинг энг нодир дурдоналари бўлиб, “Мубаййин”, “Ҳарб иши”, “Аруз” ҳақидаги рисоалари ислом қонуншунослиги, шеърят ва тил назариясига муносиб ҳисса қўшди. Қаерда бўлмасин, у бирорянгиликка қўл уришдан олдин бу иш жамият ва салтанат манфаатига хизмат қилишини ҳар томонлама ўйлаб кўрган.

Фарзандларига мактуб ва васиятларида диний, ирқий, маънавий қадриятларга зид ҳаракатларни қилмаслик, диний бағрикентлик билан иш юритиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Бобур Мовароуннаҳр, Ҳиндистон ва Афғонистонда фақат қурилиш, ободончилик билан шугулланмаган, балки туб ислохот ишларини ҳам олиб борган. Қисқа вақт ичида Бобур Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, бу ўлка ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотик масалаларини тўғри йўлга қўйиш, боғ-роғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилган.

Ҳиндистонда хозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдириш, айниқса, унинг ўғиллари ва авлодлари даврида кенг миқёсда ёйилди. Аста-секин бу юрт санъати ва меъморчилиги Марказий Осиё услубининг кириб келиши сезила бошлади. Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари саройида ўша даврнинг илғор ва зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунослари ва давлат арбоблари йиғилиб, мукаммал бир маънавий-руҳий муҳит вужудга келди.

Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жаҳоҳарлал Неру шундай ёзган эди: “Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига туташиб кетди”.

Бобур Ҳиндистонда катта ҳажмдаги давлат ишлари билан бир қаторда ўзининг адабий, бадиий фаолиятини давом эттирди ва юқорида зикр этилган асарларини яратди. Унинг жаҳон оммасига машҳур бўлган асари “Бобурнома”дир.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуди куни кенг нишонланиши анъанага айланган. Музей жамоаси Наманган давлат университети тарих ва филология факультетларининг ўқитувчи ва талабалари, вилоятдаги маданият бошқармаси тизимидаги ташкилотлар ҳамда вилоятимиздаги “Нодира” номли ахборот-ресурс маркази билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиб келмоқда.

**Мухаббат Атабоева,
Манзура Холбоева,
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходимлари**



» Қўшиқ сеҳри

Кўнгул қонидан битилган ғазал

Бугун мен улғун ва буюк, беҳиёс тафаккур соҳиби, бетакрор қалами сеҳри ила дунё аҳлини ҳайратга солган бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Яхшилиг» ғазали асосида яратилган қўшиқ тарихига назар солмоқликни жозиб деб билдим.

Мазкур ғазал соҳир овоз соҳиби Ўзбекистон халқ артисти, Халқаро «Бобур» мукофоти совриндори Маъмуржон Тўхтаинов томонидан маромида ижро этилиб, муҳлислар қалбига мангу муҳрланган.

Шоир ва шоҳ ҳаёти ҳақидаги «Бобур» видеофильмига «саундтрек» сифатида ишланган армонга ҳам-андуҳларга йўғрилган «Яхшилиг» қўшиғини кўзида ёш билан тингламаган одам йўқ. У мумтоз сўз, оҳанг ва мукаммал ижро уйғунлигидан иборат ахлит санъат асаридир. Ҳозирги кунда ҳам халқ ардоғидаги санъаткорларимиз ушбу мумтоз қўшиқни куйлашмоқда, ҳатто яқин кунларда устознинг фарзандлари Умиджон ва Уйғунжон Тўхтаиновлар ҳам бу асарга қўл уришди.

«Яхшилиг» қўшиғининг яралиш тарихи ҳақида устоз фарзандларидан сўрадик:

– *Дадамиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур ғазаллари битилган китобни варақлаб ўтирсан, «Яхшилиг» ғазали эштиборини тортибди. Уни ўқиб жуда тавсирланибди. Бу ғазални бошқа устозлар ижро қилмаган. Тез орада уни куйга солиб, қўшиқ қилибди, –* дейди Умиджон Тўхтаинов. – *Мен бу қўшиқни 2017 йил куйлашга муваффақ бўлдим. Албатта уни дадамиз маромига етказиб куйлаганлар.*

– *Отамиз куйлагандай айтишга ҳаракат қилдим, муҳлислар ҳам илқ фикрлар билдиришди, –* дейди Уйғунжон Тўхтаинов. – *Падири бузрукворимиз “Санъатда яхши ёки ўртача бўлиш мумкин эмас. Бу соҳада фақат зўрларгина муҳлислар қалбидан жой олади. Халқ назарида бўлади. Қўшиқлари умрбоқий яшайди”, дер эдилар.*

“Яхшилиг” – ўз юртидан, туғилиб ўсган, қадрдон остонасидан қувилган Бобурнинг кўнгул қони билан битилган ғазалидир. Замонидан яхшилик кўрмаган бобомиз не-не азоблар, қийинчиликлар билан вайрон бўлган дили, армонга айланган орзулари билан Ҳинд диёрига кетиб борар экан, Ватан нелгинини, ундан айрилиш қанчалар огирлигини бор вужуди билан ҳис этиб, саҳроларда товоилари титилиб, аччиқ аламли кўз ёшлари юзларини ювиб бораётганида битилган бўлса ажабмас. У Ватан туйғуси, интизорлик кечинмалари ва буюк муҳаббатига вафосизлик, ёмонликлардан задалик, дунёдан яхшилиг исламоқлик теран ва хассос ифодасини топган ёниқ ғазалдир.

Бу қўшиқ ҳақида қанча кўп ва хўп гапирсак кам. Лекин шу аниқки, устоз ижро этган «Яхшилиг» қўшиғи халқимиз қалбидан чўқур жой олиб, умрбоқий қўшиқлар сирасига кирди.

**Муроджон КАМОЛИДИНОВ,
Фаргона ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчиси**

» Маданият ва санъат

“Илҳом” театри ўз ўрнида қолади!

Бугун кенг жамоатчилик эътибори “Илҳом” театрининг келажига қаратилган. Шу муносабат билан 10 февраль куни Маданият вазири О.Назарбеков театрининг бадиий раҳбари Борис Гафуров ҳамда «Ofelos plaza» таъсисчиси Ольга Шавриналар билан учрашди. Бунда нафақат Ўзбекистон, балки хориж мамлакатларида ҳам кўп сонли муҳлисига эга «Илҳом» театри ўз жойида қолишига ва бинода қайта таъмирлаш ишлари олиб борилишига келишиб олинди. Унғача театр жамоаси ўз ижодини вақтинча Маданият вазирилиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тавсия этилувчи бинода давом эттиради.

Зеро, маданият ва санъат Маданият вазирилиги ҳимосида экан, демак, “Илҳом” театри фаолияти ҳам вазирлик томонидан қўллаб-қувватланади.



Миллий уйинлар



“Оқ тўбик”

Жиззах вилояти Зомин туманига хос ва қадим-қадимдан маҳаллий аҳоли ўртасида ўйнаб келинадиган бу ўйинда чаққонлик, абжирлик, эпичиллик ва кучлилик қўл келган.

“Оқ тўбик” асосан сайилларда ва улоқда, тўйларда кўпроқ йигитлар томонидан ўйналган. Унда Отабоши бош саналиб, қўлида битта тўбик (яъни қўй еки мол сони тўбиги)

бўлади. Отабоши ўйинга “пакка солим” тикади. Пакка турли солимлар (гилам, олча, зулбароқ, ғажари, така, қўй, той, ҳўкиз ва ҳ.э.) бўлиши мумкин.

Отабоши бир жойда туриб, тўбикни узоққа отади, ўйинга қўшилган йигитлар у тушган жойга қараб югуради. Ким тўбикни қўлга олса, ўша йигитнинг қўлоғидан

чўзилган. То у тўбикни ташламагунча, яъни тўбик ерга тушмагунча чўзиш давом этган. Кимки мард ва чаққон бўлиб тўбикни Отабошига олиб келиб берса, унга солим мукофот тортиқ қилинади ва ўйин яна кейинги пакка тикилган солим учун давом эттирилади.

Ш.Жиянмуротов,
12-БМСМ директори

Танлов



“Буюк аждодлар издошимиз”

6 февраль куни Жиззах вилояти Фориш тумани маданият маркази кутубхонаси ҳамда Кўзи ожизлар кутубхонаси ҳамкорлигида 1-умумтаълим мактабида ўзбек адабий тили асосчиси Мир Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллиги, шоҳ ва шоир, буюк давлат арбоби Захриддин Мухаммад Бобур таваллудининг 537 йиллигига бағишлаб “Буюк аждодларнинг издошларимиз” мавзuida кўриктанлов ўтказишди.

Уни мактабнинг тил ва адабиёт фани ўқитувчиси Н.Миркомилова очиб, йигилганларга буюк аждодларимиз ҳаёти ва серкира ижоди ҳақида маълумотлар берди. Танловда тўртта шарт: “Таширфнома”, “Тезкор саволлар”, “Саҳна кўриниши”, “Баҳру байт” бўйича 7-синфнинг “Бобурий авлодлари”, 8-синфнинг “Тафаккур қанотлари” жамоалари ўзаро беллашшди. Натижаларга кўра дўстлик галаба қозонди.

Тадбирда, шунингдек, ўқувчилар ўртасида Алишер Навоий ва Захриддин Мухаммад Бобур сиймолари акс этган расмлар танлови ҳам ташкил этилди. Унда фаол иштирок этган ўқувчилар маданият маркази ва кўзи ожизлар кутубхоналари томонидан эсдалик совгалари ва фахрий ёрликлар билан тақдирланишди.

Тадбирда, шунингдек, Алишер Навоий ва Захриддин Мухаммад Бобур асарларидан “Шеърят осмонида порлаган юлдуз”, “Бобуршоҳ – давлат арбоби”, “Буюк аждодларимиз – фахримиз, гуруримиз” номли китоб кўргазмалари ҳам ташкил этилди.

Л.Ҳақимова, Фориш тумани маданият маркази мутахассиси



Энг фаоллар тақдирланди

7 февраль куни Жиззах вилояти Фориш тумани маданият бўлими туман Ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда 2019 йил якунлари бўйича ички ишлар органларининг намуналий таянч пунктлари ўртасида ўтказилган танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Кечада Маданият бўлими томонидан Она Ватани, тинчликни ва ободликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлардан иборат концерт дастури намойиш этилди. Тақдирлаш маросимида “Энг фаол ёшлар етакчиси”, “Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича фаол мутахассис”, “Энг фаол профилактика инспектори ёрдамчиси”, “Адолатли яраштириш комиссияси”, “Энг фаол профилактика инспектори”, “Энг фидойи маҳалла раиси”, “Энг маҳоратли профилактика инспектори”, “Энг ташаббускор сектор раҳбари” номинациялари бўйича ички ишлар органлари таянч пунктларида хизмат олиб бораётган фаол ходимлар ва жамоатчилик вакиллари тақдирландилар. Шунингдек, 12 та ички ишлар органлари таянч пунктлари орасидан Учқўлоқ ва Хонбанди МФЙда хизмат кўрсатувчи 119-ички ишлар органи таянч пункти фахри биринчи ўринга муносиб кўрилди. Ҳолиларга туман ИИБнинг дипломи ва эсдалик совгалари топирилди.

Л.Ҳақимова, Фориш тумани маданият маркази мутахассиси

Долзарб масала

Маънавият кўприги бузилишига йўл қўймайлик

Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 49-модда

Музей ўтмиш ва бугунимиздан садо беради, маънавиятнинг бойи. Шу боис у ерда сақланаётган қадимий ёдгорликлар, китоблар, турли осори-атиқаларни ўрганиш бизнинг бурчимиздир. Бироқ айрим музейлардаги ҳолат ачинарли аҳволда. Таъмирлаш ишлари сифат даражасида эмас. Жумладан, пойтахтимизда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи Марказий Осиёдаги энг йирик маънавият марказларидан биридир. Ҳар йили минглаб адабиёт ихлосмандларини қабул қиладиган ушбу маскан нафақат юртдошларимиз, балки хорижий меҳмонлар учун ҳам қадрлидир. Мухташам тўрт қаватли бинога кириб борар экансиз ҳақиқий адабиёт мухитини деярли ҳис қилмайсиз. Кираверишдаги эшик ёнида биргина “Адабиётшунос олимлар давраси”нинг кўчирма нусхадаги сурати бор, ҳоло. Қолган нодир асарлар юқори қаватдан ўрин олган. Аслида музей киришдан оқ эйтиборни жалб эта олиш керак, назаримда.

Келинг, музей тарихига бир назар саламиз. У 1939 йил Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлаш бўйича давлат комиссияси қошида кўргазма сифатида ташкил этилган ва 1947 йилгача унинг асосида Адабиёт музейи шакллантирилган. 1968 йилдан эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мустақил илмий-маърифий ташкилоти сифатида фаолият кўрсатди. Музейда Шарқ қўлёзмаларини тўплаш, илмий таснифлаш ва инвестициялаш каби таниқли бўлимлар мавжуд. Унинг биринчи қаватига чиқишда номига монанди миллий адабиётимиз намоёнандиси Алишер Навоий ҳазратларининг ҳайкали ўрнатилган. Халқ оғзакчи ижоди дурдоналари, Алишер Навоий ва Захриддин Мухаммад Бобур сингари таниқли шахсларнинг қўлёзма нусхалари, литография кўринишида босилган асарлари эса музей фонднинг биринчи қаватидан ҳол олган. Қолган қаватларда Ўзбекистон шоир ўзувчиларининг асарлари асл ва кўчирма нусхаларда кўргазма сифатида қўйилган. Шунингдек, соҳага катта ҳисса қўшган муаллиф ва адабиётшуносларнинг архивлари сақланмоқда. Музей биноси муҳим меъморий ёдгорлик саналади. У Халқаро музейлар уюшмаси (ИКОМ) аъзоси ҳам. Музей ходимларининг илмий мақолалари Россия, Украина, Туркия ва Япониянинг машҳур илмий нашрларида чоп этилган.

Ву албатта қувонарли ҳол, аммо музейда кўнглини хира қиладиган ҳолатларнинг ҳам гувоҳи бўласиз. Деворлар анча эскириб қолган, шифтларда ёғингарчилик пайтида



чакка ўтгани ўз асоратларини қолдирган. Аксар иситиш жиҳозларининг агрофи қўл учидаям қўйилган. Шифт, девор ва пол орасидаги ёриқлар ҳақида эса гапиришга тил бормайди. Электр симлари, айниқса, ёриткичлар ҳолати аянчи аҳволда. Бир хонада 6 – 8 тагача ёриткич ўрнатилган бўлса, шундан фақат биттасигина ишлайди. Кўпида ҳатто лампочка ҳам йўқ. Музей ичидаги нам ва зах ҳаводан у ерни тезроқ тарқ этгинг келади. Баъзи экспонатларга эса бефарқлик билан қаралмоқда. Балки, ташриф буюрувчилар томонидан тушуриб юборилганми? Масалан, Я.Шапиро томонидан ясалган Мақсуд Шайхзоданинг бюстини олайлик. Унинг қош ва бўйин қисми кўчиб тушган. Музейнинг юқори қаватида жойлашган Ислоом Каримов бурчаги эса йўлакнинг энг охирида. Унга олиб борувчи йўл шифти ва дераза ромлари анча таъмирталаб. Яна бир қизиқ ҳолат, тўртинчи қаватда Навоий даврига оид тарихий намуналар бор экан, аммо бугунимиздадир вақтинчалик ёпиб қўйилган, сабаби эса номуамал. Хуллас, санасак муаммолар жуда кўп.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2018 – 2019 йилларда Музей биносини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ҳамда бинога туташ ҳудудни ободонлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқулланган. Бу ишлар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Ягона бу-



юртмачи хизмати” инжиниринг компаниясини буюртмачи этиб белгилаш таклифи қилинган. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича 2018 – 2019 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда Музейни реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва зарур капитал қўйилмалар лимитини ҳисобга олган. Айтилишича, ҳудудни ободонлаштириш билан боғлиқ барча харажатлар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан, Музейни замонавий техник воситалар, шу жумладан, мониторинг, стенд ва подиумлар билан жиҳозлаш учун зарур маблағлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий муассасалар объектларини сотишдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлардан қопланиши керак эди.

2020 йил февраль ойи ҳолатига кўра, музейда ҳеч қандай реконструкция ишлари олиб борилмаган, инвестиция дастури эса амалга оширилмаган. Масъул тасадди ташкилотлар бунга ҳалигача бефарқ қарашмоқда. Назаримда, янги қуриладиган битта бино ўрнига ушбу музейни қайта таъмирлаш мақсадга мувофиқ иш бўларди. Ҳар ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қимматбаҳо экспонатларни тўплайдиган, сақлайдиган, илмий тадқиқ этадиган нодир, илмий ва маданий муҳит-ку? У дунё Ҳақиқати эътирофида, шунингдек, халқимизнинг бебаҳо адабий меросидан садо берадиган муқаддас жойдир. Ташриф буюрувчилар сонини ошириш, уларга тарихий илм-фаннинг асл кўринишини намоён этиш учун ҳам музей таъмири муҳим аҳамиятга эга. Ишонимизки, тегишли муассасда ташкилотлар миллий маънавиятимиш кўпригининг бузилишига йўл қўйишмайди.

МУҲЛИСА Мелиева,
ЎзЖОКУ талабаси

Устозлардан шогирдларга

Маҳорат дарслари давом этади



Навойи ва мусиқа санъати

Ўрта Осиё маданияти, адабиёти ва мусикасининг энг юксалган даври улуг шoir ва мутафаккир Алишер Навоий яшаган йилларга тўғри келади. Султон Хусайн Мирзо ҳукмронлиги йилларида шoir ва мусикачиларнинг катта қисми Хуросонга, хусусан, Навоий атрофига тўпланган. Тарихий манбаларда улуг шoir мусиканинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларини яхши эгаллаган мусикашунос ва бастакор сифатида ҳам эътироф этилади.

“Сабъаи сайёр” да чанг садоси



Тўғри, у киши мусика назарияси ва амалиёти масалаларига бағишлаб махсус асар яратмаган. Лекин ушбу соҳага доир фикрлари ва мусикавий-эстетик қарашларини акс эттирувчи далиллар унинг адабий, тарихий ва илмий характердаги асарларидан маълумдир. У йirik маданият арбоби сифатида санъатнинг барча соҳаларини юксак бадий дид билан баҳолай олган.

Мусика чолгулари турли тарихий шароитларда маданиятнинг тараққиёт даражасини белгилаб берувчи, кўрғазмали манбалардандир. Навоий даври мусикаси устида гап борар экан, ўша даврларда фойдаланилган созларнинг атрофлича, илмий асосда ўрганилиши – XIV-XV асрлардаги Ўрта Осиё ва Хуросон халқлари мусика маданияти тараққиёти даражасини аниқлашда ҳам катта ёрдам беради.

Навойи достонларида, девонларида, жумладан, “Маҳбул-қулуб”, “Мажолис-ун-нафоис” каби асарларида жуда кўп созлар номи тилга олинади. Улар орасида уд, най, гижжак, танбур, чанг, рубоб, қубиз, қонун, руд, чағона, даф, яъни доира, ногора чолгуларининг номи жуда кўп учрайди. Бу созларнинг баъзилари бизгача етиб келмаган, баъзилари Ўрта Осиёда истеъмолдан чиқиб кетган, қолганлари эса шакли ўзгариб, номини сақланган.

Навойи асарларида созларнинг садо бериш хусусиятлари усталик билан, образли қилиб тасвирланган. Най – мафтункор, майин садо беради. Гижжакники – йиллоқи, танбур – дилкаш, уд ва чанг – юракни эзувчи, рубоб – ёлворувчи, қубиз – роҳатбахш, қонун билан чағона садоси эса фарёду фиғонга ўхшайди. “Сабъаи сайёр” да чанг садоси кишини тинчлантирувчи, ҳаётбахш экани таъкидланади.

Навойи созларни шундай тасвирлаганки, улар садоси худдики қулоқ остида жаранглаётгандай туюлади. Ўз замонасида жуда кўп шoir, олим, мусикачи ва бошқа санъат аҳлининг

устози ва хомийси бўлган улуг Навоийнинг созлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари мусика санъатининг соҳасидаги қимматли манбалардандир. Агар улар Навоий замонасидаги миниатюраларда тасвирланган соз шакллари ва бошқа ёзма манбаларда келтирилган фактик материаллар билан қўшиб, қиёслаб ўрганилса, бу масала албатта ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

Маълумки, Навоийнинг ўзи яхшигина бастакор эди. У баъзи мақом йўлларига мослаб, нақш, пешрав шаклларида мусикий асарлар яратган эди. Бундан ангишладикки, буюк истеъдод соҳиби мусика амалиётининг энг нозик томонларини ҳам чуқур билган.

Навойи замонида бастакорлар кўпроқ амал, савт, нақш, пешрав, тарона шаклида куй ва қўшиқлар яратилган. У даврда ҳозиргидек нота ёзувлари бўлмагани сабаб куй-қўшиқ намуналари бизгача етиб келмаган ҳамда уларнинг шакли хусусида аниқ фикр айтолмаймиз. Лекин бизгача етиб келган классик мусикамининг юксак намунаси саналган Шашмақомнинг чолгу ва ашула йўлларида пешрав шакллари учрайди. Амад, нақш, иш, тароналар эса умуман “Тарона” ёки “Сувора” номи билан аталади.

Хулоса шуки, Навоий даври мусикасида ҳозирги тушунчадаги “тарона”ларнинг хили кўп бўлган ва улар куй шакли характерига қараб турлича номланган.

Навойи ижодида мусиканинг айрим назарий ва амалий масалалари ҳам ўз ифодасини топган. Ўзи эса бастакор сифатида ижро услубларини эгаллаб, чолгуларда маҳорат билан куйлар чалган. Шунингдек, куйларга мослаб оромбахш, дилрабо ғазаллар яратган. Бинобарин, мусика назариясини ҳам асосли

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига белгиланган вазифалар юзасидан Жиззах вилояти Фориш туман маданият марказида маҳорат дарслари ўтказилди. Миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, маданият марказларида рақс йўналишида ташкил этилган тўғарақлар фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг аъзоларига рақс санъати

ҳақида тушунчалар бериш ва бу соҳага бўлган қизиқишларини ошириш ниятида ташкил этилган маҳорат дарсларига С.Камолова бошчилик қилди.

А.Мамадиёрова раҳбарлигидаги “Шабнам” болалар, М.Равшанова бошчилигидаги “Нурзе” катталар рақс тўғарақи, Ш.Зулпонова раҳбарлигидаги болалар рақс тўғарақларида ўтказилган маҳорат дарсларида ҳамма фаол иштирок этди. Уларга Ўзбек миллий рақс санъати тарихи, “Хоразм”, “Бу-

хоро”, “Сурхондарё”, “Фарғона-Тошкент” рақс мактаблари ва йўналишлари ҳақида маълумотлар берилиб, рақс ҳолатлари ўргатилди.

Бундай тўғарақ машғулотлари, маҳорат дарслари ўқувчиларнинг рақс санъатига бўлган қизиқишини ошириши табиий. Шу мақсадда маҳорат дарсларини мунтазам ташкил этиб бориш режалаштирилди.

Ш.Дархонов,
Маданият маркази мутахассиси

Кувасой маданият марказида

“Устозлар изидан”



Кувасой шаҳар аҳолисининг маданий дам олиши, бўш вақтларини мазмунли ташкиллаш, уларга хуш кайфият улашиш мақсадида 2020 йил 29 январ куни Маданият марказида ёш, истеъдодли хушовоз хонанда Улугбек Хошимов ва устоз созанда Уринбой Маҳмудов ҳамда Маданият марказида фаолият олиб бораётган “Кувасой” ашула ва рақс халқ жамоаси, “Кўшчинов” тожик фольклор-этнографик халқ жамоаси, “Садо” миллий чолгулар халқ жамоасининг қатнашчилари иштирокида “Устозлар изидан” номли айтишув-концерт ўтказилди. Ёш, истеъдодли хонанда Улугбек Хошимов куйлаган “Ўлдирайин дермисан”, “Фарзандим асал-қандим”, “Меҳрибоним онам” кўшиқлари, созандалар томонидан “Хуррам”, “Турғун тановор”, жаҳон эстрадасидан “По-пури” каби куйлар маҳорат билан ижро этилди.

Концерт дастурида шаҳардаги корхона ташкилотларнинг ишчи-ходимлари, санъаткор хонандаларнинг оила аъзолари ва санъат ихлосмандлари, аҳолининг барча қатлам вакиллари иштирок этди.

«Сехрли оҳанг»

Шунингдек, ушбу масканда вилоят ва шаҳар микёсидаги устоз санъаткор созандалар, уларнинг шогирдлари, вилоят шаҳар-туман Маданият бўлимларида фаолият олиб бораётган “Халқ” ва “Намунали” уйвонга эга бўлган бадий хаваскорлик жамоаларининг созандалари ҳамда Фарғона давлат филармонияси худудий бўлимасининг моҳир созандалари Улугбек Йўлдошев, Камолиддин Абдураимовлар иштирокида “Сехрли оҳанг” номли концерт дастури бўлиб ўтди. Унда вилоят шаҳар-туман маданият бўлимлари ишчи-ходимлари, болалар мусика ва санъат мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари, шаҳардаги корхона-ташкilotлар вакиллари фаол иштирок этдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Адҳамжон Солиев, Улугбек Йўлдошев ва Камолиддин Абдураимовларнинг узок йиллик самарали меҳнатлари, мақом созандалиги бўйича моҳир устоз санъаткор эканликлари, кўплаб шогирдларга таълим-тарбия бериб келётганликларини таъкидлаб, Маданият бўлими мудири Акмалжон Солиевга, шунингдек, лойиҳа ташаббускорлари Лўчибек Мамажонов ва Мансуржон Мирзаевларга ўз миннатдорчилигини билдирди. Ушбу лойиҳа асосида кўплаб концерт дастурларини ташкиллаштиришда муваффақиятлар тилади. “Наврўзи аҷам”, “Насруллоий”, “Айлагач”, “Елғиз” каби бир қатор куйлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Адҳамжон Солиевнинг “Қаро кўзим”, “Бу нимадур”, устоз санъаткор Мухторжон Мўминовнинг “Йўлингда”, “Кувасой” ашула ва рақс халқ жамоаси яқхон хонандаси Дилшоджон Турсуналиевнинг “Йўлгатор” каби қўшиқлари барчага манзур бўлди.

Шахмат-шашка мусобақаси



Шу куни маданият марказида спортнинг шахмат-шашка тури бўйича мусобақа ҳам ўтказилди. Унда шаҳар умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, Маданият марказларида фаолият олиб бораётган “Шахмат-шашка” тўғарақи қатнашчилари, шаҳардаги ёши улуг шахматчи отахонлар фаол иштирок этдилар. Мусобақани Маданият маркази бадий раҳбари А.Комилов очиб, марказда биринчи марта ўтказилаётган “Шахмат-шашка” мусобақаси иштирокчиларига омад тилади. Қизгин давом этган мусобақада катта ёшдаги шахматчилардан 1-ўринни Равшанжон Сўфиев, 2-ўринни Алишер Шокиров, 3-ўринни Мухторжон Нуритдиновлар, мактаб ўқувчиларидан 1-ўринни Диёрахон Бахтиёрова, 2-ўринни Абборжон Мухторов, 3-ўринни Афруза Маҳмажоновалар эгалладилар. Голиб ва фаол иштирок этган қатнашчиларга Маданият бўлими томонидан қимматли эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар топширилди. Мусобақа давомида ёш шахматчилар устозлардан шахмат-шашка бўйича ўзларини қизиқтирган совғаларга жавоб олдилар.

Н.Маҳмудалиева,
Марказий маданият маркази ходими

равишда чуқур билгани унинг “Мезонул-авзон” асарига яққол кўринади. Унда мусика назарияси билан боғлиқ қатор ҳолатлар бор. Ёзма манбалардан маълумки, мусика ва шеърятнинг назарий асослари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Друз илми эса мусиканинг ритм қоидалари асосида юзага келган.

XV асрда етишиб чиққан шoirлар ва санъат аҳлига Навоий ва Жомий хомийлик қилган ҳамда уларни тарбиялаган. Навоий ўзининг “Мажолис-ун-нафоис” асарига мусиканинг назарий ва амалий жиҳатларидан хабардор шoirларни мактабди. Чунки у аруз санъатини эгаллашда, шoirдаги эстетик ҳисси тарбиялашда мусиканинг ролга катта деб биларди. Шу боли Навоий тарбиялаган шoirларнинг кўпи мусикачи, мусикачилар эса шoir ҳам эдилар. Навоий шеър вазнини бузиб ёзган шoirларни танқид қилганда, уларнинг мусика илмидан истеъдоди йўқлигини ҳам кўзда тутган.

Ҳазратнинг ўзи ҳам яхши созанда ва бастакор эканлиги боис шеърлари ашулаларга осон боғланади. Заҳриддин Мухаммад Бобур ҳам Навоийнинг кўплаб нақш ва пешравлар яратганини айтиб ўтган (Бобурнинг ўзи ҳам бастакор бўлиб, у “Рости Панжгоҳ” мақом йўлида сажъ деб номланган асар бас-талаган).

Шундай қилиб, XIV-XV асрларда ижод этган бастакорлар мақом тараққиёти тарихида бутун бир даврни очиб бериб, уларни тақомиллаштириш ва бойитишда муҳим роль ўйнаган.

Гулҳаё Собирова, Фарғона вилояти Бағдод тумани 29-БМСМ ўқитувчиси

Оролим
Кумда қолган кемалар



Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейида 5 февраль куни «Кумда қолган кемалар» номли кўргазма ташкил этилди. Унга Ўзбекистон Экология Партиясини Қорақалпоғистон Республикаси Партия ташкилоти кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Бегимова, Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг биология факультети устоз ва талабалари иштирок этиб, Орол ҳақидаги энг керакли маълумотларни, халқ шоирларидан Г.Даулетова, Г.Нурлепесовлар эса ўзларининг Оролга бағишланган шеърларини ўқиб беришди.

Шунингдек, Нукус шаҳрида жойлашган Амет баши номидаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг бадиий чиқишлари кечага янада файз бағишлади. Бундай кўргазмаларни ташкил этишдан мақсад Оролга қаратилаётган эътибор ва унда юз бераётган инновацион ўзгаришларни ёшлар қалбига сингдиришдир.

Айнур Полат,
Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи бўлим мудири

Назм ва наво
“Бешариқ тароналари”



Маданият вазирлигида
Халқаро мақом санъати анжуманига тайёргарлик

Ҳар икки йилда бир ўтказилиши режалаштирилган Халқаро мақом санъати анжуманининг навбатдагиси сентябрь ойида Шахрисабзда бўлиб ўтиши кутилмоқда. Унга тайёргарлик кўриш масалалари бўйича 12 февраль куни Маданият вазири О.Назарбеков соҳа вакиллари билан учрашди.

Йиғилишда, аввало, илмий-амалий конференция ва мақом кўшиқлари танловига хорижий мамлакатлардан таклиф этиладиган иштирокчилар рўйхатини шакллантириш масаласи кўрибди. Вазир унда дунё ҳамжамиятида ўз нуфузига эга мусиқашунос олимлар ва санъатшунослар иштирокини таъминлаш таклифини билдирди.

Шунингдек, мақом кўшиқлари танловига санъатида фақат ушбу йўналиши мавжуд мамлакатлардан иштирокчилар таклиф этилиши, бошқа давлатлардан қатнашиш ис-тагини билдирганлар эса меҳмон сифатида келиши мумкинлиги тўғрисида сўз борди.

– Фестиваль доирасида фойдаланиладиган рўқчалардан тортиб, тақдим этиладиган совғаларга аъло сифатда, бренд даражасида тайёрланиши керак, – деди Маданият вазири О.Назарбеков. – Хорижлик меҳмонлар билан мулоқотлар олиб боришда эса муҳим бўлган жиҳат – таржимонларга ҳам мақом санъати, унинг тарихи ҳақида маълумотлар бериш зарур. Бу ўз навбатида ту-



ризм соҳасига ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Юртимизга чет давлатлардан ташриф буюрувчилар сони ортишига хизмат қилади.

Учрашувда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар тингланиб, Маданият вазири томонидан масъулларга Халқаро мақом санъати анжуманига тайёргарлик ишларини бошлаш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Муаттархон Тўйчиева

Меросимизни ўрганамиз



Буюк шоир таърифлаган иморат

Муҳаммад Ризо Огаҳий истеъодли шоир, таржумон, шў билан бирга билимдон тарихнавис сифатида ҳам маълуму машҳур. У тарихий асарларида ўтмиш ҳамда ўзи яшаган даврдаги воқеа-ҳодисалар билан бир қаторда турли иморатлар, масжид-мадрасалар қурилиши ҳақида ҳам қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган.

Огаҳий таърифлаган тарихий иншоотлар орасида “Ичан-Қалъа” музей-қўриқхонаси ҳудудида жойлашган меъморий ёдгорликлардан Тош-ҳовли саройи ҳам бор. Унинг “Жомииул воқотию султоний”, “Риёзуд давла” тарихий асарларидан сарой ва унинг таркибидagi иншоотлар қурилиши ҳақидаги маълумотлар, шеърий таърифлар ҳам ўрин олган.

XIX аср Хоразм меъморчилигининг нодир намунаси бўлган Тош-ҳовли 1830-1838 йиллар оралиғида бунёд этилган бўлиб, Кўҳна аркка ўхшаган алоҳида кўрғон шаклида қурилган. Унинг таркибидa учта катта ҳовли, кўринишхона, меҳмонхона ва ҳарам, шунингдек, бешта кичик ҳовли – жами 165 та хона жойлашган. Сарой қурилишида Хоразм меъморчилиги, тош ва ёғоч ўймакорлиги, кошнингпазлик, наққошлик ва бошқа халқ амалий санъати услубларидан моҳирона фойдаланилган.

“Жомииул воқотию султоний” номи тарихий асаридa Тош-ҳовлидаги “Кўринишхона” деб аталган бино ва унда хоразмлик усталар вратган нақшлар тасвири “Иморати олий” деб номланган маснавийда маҳорат билан баён қилинган. Бўлмис андоқ иморати олий-Ки, бори айбу нуқсдин холи. Ул қадар бор анго матонат ҳам-Ки, они йиқмағай қиёмат ҳам...

Бўлубон файз бирла моло-мол. Килгуси кўрган элни ҳайрат лол.

“Тош-ҳовли тасвири” маснавийида эса шундай сатрлар бор:

Саройи қасри жаннатдек музайян, Масарратта бўлиб даҳлизи маскан.

Бўлиб девори сарто пой қоши, Топиб зарҳал била тазйин хоши.

Хива шаҳрининг 2500 йиллиги арафасида ушбу меъморий обидада мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Тош-ҳовли саройидаги экспозицияларни томоша қилиш учун ташриф буюраётган хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар ота-боболаримиз томонидан барпо этилган сержилло деворлар, нақшли, устунли айвонларга ҳайрат билан боқишади ва усталар ишига таҳсиллар ўқишади.

Музей ҳодимлари томонидан ўтказилаётган тарғибот тадбирларида бино тарихи ҳақида сўз кетганда давлат арбоби, тарихнавис Огаҳий хизматлари, шеърий сатрлари ҳам эҳтиром билан тилга олинган.

Фурқат Раҳимов, Нилуфар Сапоева, “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси катта илмий ҳодимлари

Кўргазма
Сурхон воҳаси табиати ва ҳайвонот олами



5 февраль куни Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Термиз шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактаби билан ҳамкорликда кўчма кўргазма ташкил этди. «Сурхон воҳасининг табиати ва ҳайвонот олами» мавзусидаги кўргазмада музейнинг табиат бўлими ходимлари ва мактабнинг 7-синф раҳбари Дилором Нормуродова ҳамда ўқувчилари қатнашишди. Унда табиат бўлими мудири Ф.Мингбаева, илмий ходимлари Ш.Пардаева, Х.Умбаров ва бош мутахассис Ф.Рўзиевалар ҳам иштирок этишди. Кўргазмада музейнинг табиат бўлимига оид экспонатлар намойиш этилди. Кўргазма барчада катта таассурот қолдирди.

Хасан Умбаров, Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими



Йиғилиш
Баҳорий байрамларга ҳозирлик бошланди

7 февраль куни Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасида яқинлашиб келаётган айёмлар: 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни ҳамда Наврўз умумхалқ байрамларига тайёргарлик бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон давлат филармонияси раҳбарияти, хонандалари, уюшма раҳбарияти ва ёш композиторлар ҳамда бастакорлар иштирок этиб, келгусида режалаштирилган ишлар юзасидан сўхбатлашди. Йиғилиш давомида уюшманиннг ёш аъзолари, хонандалар ва бастакорлар ушбу байрамларга бағишланган кўшиқларни тинглов жараёнига ҳавола этишди.

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 8548 Буюртма - Г - 227
Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табок

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмахонага топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00
1 2 3 4 5 6

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир Дилбаҳор Худойбердиева
Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанин пайшанба куни чоп этилади.